

**Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хузуридаги
Республика методик кенгаши йиғилишининг
18- сон БАЁНИ (кўчирма)**

2014 йил 15 январь

Тошкент шаҳри

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида Республика методик кенгаши **қарор қилади:**

**Республика методик кенгашининг 2015 йил Иш режасини
тасдиқлаш тўғрисида**

(Ходжаев, Мухитдинов, Тешабаев, Бердимбетова, Максумова, Мавлянов, Алқаров,
Бобожонов, Ходжаев)

1. Республика методик кенгашининг 2015 йил Иш режаси лойиҳаси бўйича Миллий кутубхона директори, Кенгаш раиси А.Ходжаевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республика методик кенгашининг 2015 йил Иш режаси тегишли қўшимчалар билан иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Кенгаш масъул котиби (Турсунов), Республика методик кенгашининг 2015 йил Иш режаси асосида муҳокама этиладиган масалалар бўйича таҳлилий материалларни сифатли тайёрланишига алоҳида эътибор берилсин.

4. Республика методик кенгаши аъзоларига:

Республика методик кенгашининг 2015 йилги Иш режаси ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ривожлантириш, замонавий ахборот-кутубхона технологиялари, ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишнинг янги шакллари жорий этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва бошқа устивор масалаларни муҳокама этиш, уларга методологик ёрдам кўрсатишга қаратилганлиги эътиборга олинсин.

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил
учун маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар режаси тўғрисида**

(Ходжаев, Тешабаева, Бердимбетова, Максумова, Мухитдинов, Мавлянов Мавлянов
Тешабаев, Ходжаев)

5. Миллий кутубхона директори ўринбосари У.Тешабаеванинг “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил учун маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар режаси” тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

6. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил учун маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар режаси” Республика Маънавият тарғибот маркази билан келишилган ҳолда тегишли вазирлик ва идоралар таклифлари асосида ишлаб чиқилиб, тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

7. Миллий кутубхона (Тешабаева):

Миллий кутубхона томонидан 2015 йилда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларни ўз вақтида, юқори савияда ўтказилишига алоҳида эътибор берилсин;

маънавий-маърифий ишларни тегишли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларида ташкил қилишни янада такомиллаштириш мақсадида, уларга методик ёрдам кўрсатиб борилсин;

маънавий-маърифий ишларни ахборот-кутубхона муассасаларида ташкил қилишда асосий эътибор ҳудуднинг тарихий, маънавий ҳамда маданий меросини сақланишига кўмаклашиш, ёшларимизни маънавий юксалтиришга йўналтирилган тадбирлар, маданият ва жамоат арбоблари билан ижодий учрашувлар ўтказишга эътибор қаратилсин;

“Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил учун маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар режаси” тегишли вазирлик ва идораларга хизмат фаолиятида фойдаланиш учун электрон кўринишда етказилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги”
Қонунини ахборот-кутубхона муассасаларида жумладан, Ўрта махсус касб хунар
таълими маркази тизимида бажарилишини ўрганиш тўғрисида**

(Ходжаев, Мухитдинов, Мавлянов, Алқаров, Ратнер, Бердимбетова, Ходжаев)

8. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги” Қонунини ахборот-кутубхона муассасаларида жумладан, Ўрта махсус касб хунар таълими маркази тизимида бажарилишини ўрганиш тўғрисидаги Миллий кутубхона директори, Кенгаш раиси А.Ходжаевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ахборот-кутубхона муассасаларини ўрганиш жараёни Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги” Қонуни, “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази томонидан ахборот-кутубхона муассасаларининг ташкилий-методик фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ўзаро алоқани таъминлаш тўғрисида”ги Низом талаблари ҳамда республика ахборот-кутубхона муассасаларининг мониторинги натижалари асосида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

10. Миллий кутубхона (Тешабаева):

Миллий кутубхона мутахассисларидан иборат Ишчи гуруҳ ташкил қилинсин;

Ишчи гуруҳ ишини самарали ташкил этиш мақсадида махсус саволнома ишлаб чиқилсин;

ўрганиш якуни бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар тайёрланиб, натижалари юзасидан Республика методик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ахборот берилсин.

11. Ишчи гуруҳга ўрганиш давомида қуйидаги саволларга эътибор берилсин:

ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни мавжудлигига;

ахборот-кутубхона фондларининг тўлдирилиш ҳолатига;

ахборот-кутубхона ресурсларини туркумлаштириш ва библиография ёзувларини шакллантиришда дастурий таъминотнинг мавжудлигига;

АРМ мутахассислар билан таъминланганлик, мутахассисларни малака ошириш ўқув машғулотларида иштирок этганлигига;

фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг янги шаклларининг жорий этилганлигига;

фуқаро мурожаатлари асосида АРМларни қисқартирилиши ва ёпилиб кетиш сабабларига.

12. Ўрганиш натижаси бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этишга методик ёрдам кўрсатилсин ҳамда ахборот-кутубхона фаолиятини юритиш бўйича замонавий ахборотлаштириш технологияларини, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш турларини жорий қилиш бўйича жойларда Семинар машғулотлар ташкил қилинсин.

13. Республика методик кенгаши аъзоларига (Халқ таълими вазирлиги, Соҳликни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази):

икки ҳафта муддатда Ишчи гуруҳ томонидан ўрганишга жалб қилинадиган ўз тасарруфларидаги ахборот-кутубхона муассасалари рўйхати тақдим этилсин;

Ишчи гуруҳ иш фаолиятини самарали олиб борилишини таъминлаш мақсадида, ташкилий масалалар бўйича ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Миллий кутубхонаси муассислигида нашр этиладиган
“INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси “INFOLIB” информационно-
библиотечный Вестник” журнали Концепцияси ва Низоми тўғрисида**

(Ходжаев, Мухитдинов, Тешабаев, Бердимбетова, Максумова, Мавлянов, Алкаров, Ратнер, Камилов, Бобожонов Ходжаев)

13. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси муассислигида нашр этиладиган “INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси-“INFOLIB” информационно-библиотечный Вестник” журнали Концепцияси ва Низоми тўғрисида Миллий кутубхона директори, Кенгаш раиси А.Ходжаевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

14.Ўзбекистон Миллий кутубхонаси муассислигида “INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси-“INFOLIB” информационно-библиотечный Вестник” маданий-маърифий, илмий-оммабоп журнаolini таъсис этиш бўйича таклифлар маъқуллансин.

15.“INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси -“INFOLIB” информационно-библиотечный Вестник” журнали Концепцияси маъқуллансин.

16. Миллий кутубхона (Тешабаева) Кенгаш масъул котиби (Турсунов):

“INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси -“INFOLIB” информационно-библиотечный Вестник” журнаlinи таъсис этиш бўйича тегишли хужжатлар тайёрлансин;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан бирга, “INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси-“INFOLIB” информационно-библиотечный Вестник” маданий-маърифий, илмий-оммабоп журнаlinи рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар олиб борилсин;

“INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси” - “INFOLIB” информационно-библиотечный Вестник” маданий-маърифий, илмий-оммабоп журнаlinинг биринчи сонига соҳавий мақолаларни танлаб олиш, рецензиядан ва тахрирдан ўтказиш ишлари ташкил қилинсин.

Бошқа масалалар

(Ходжаев, Болкунова, Мавлянов, Алкаров, Ходжаев)

17. Республика методик кенгашининг 2014 йил 5 декабрдаги 17-сон баёни топшириқларини бажарилиши бўйича ахборот маълумот учун қабул қилинсин.

18. Республика методик кенгаши Ишчи гуруҳи (Болкунова), Миллий кутубхона (Борисов):

“Ахборот-кутубхона ресурсларини ахборот-кутубхона муассасалари фондидан чиқариш тартиби тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона фондларини сақлаш тўғрисида”ги Йўриқномалари лойиҳалари юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар томонидан билдирилган ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар асосида қайта ишлаб чиқилсин;

мазкур норматив хужжатлар ўрнатилган тартибда Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлиси муҳокамасига киритилишини инобатга олиб, тегишли материаллар тайёрлансин.

19. Кенгаш масъул котиби (Турсунов), **уч кун муддатда** мазкур баён матни барча Республика методик кенгаши аъзоларига электрон кўринишидаги нусхаси етказилсин.